

**ОИЛАДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИНИНГ УШБУ ТУРДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОШИЛШАДАГИ
ФАОЛИЯТИ**

Бахромова Шаҳзода Фарҳод қизи

Аннотация: Мазкур мақолада оиладаги тарбия шакларининг ўзига хос хусусиятлари, зўравонликка ва тазийикқа учраган аёллар виктимлигининг олдини олиш масалалари, оиладаги нотўғри тарбия шакларининг бола шахсининг шакланишига салбий таъсири борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: оила, тарбия, тарбия шаклари, зўравонлик, профилактика олдини олиши, профилактика инспекторининг умумий профилкатикиаси.

Аннотация: В статье размышляется об особенностях форм воспитание в семье негативном влиянии неправильных форм воспитания, личносиребенка. В данной статье рассмотрены вопросы профилактики потерпевших от насилия в домогательств.

Ключевые слова: семья, воспитание, насилие, виктимизация профилактика,

Annotation: The articlereflects on the forms of upbringing in the family the negative impact of improper forms of upbringing in the family on the formation of the child's personality. This article describes the issues of prevention of victims of violence and harassment of women.

Keywords: family, upbringing, child's personality, violence, victimization,

Бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва кўпгина жиноятларнинг маълум бир қисми айнан халқимиз муқаддас қадрият сифатида қарайдиган оилаларда юз бераётганилиги инсонни ранжитади. Инсон оилада тарбия топади ва улғаяди. Шу боисдан, уни тўғри йўлда шакллантириш бевосита жиноятчи шахсларни камайтириш ва профилактикасини олиб борища ҳам жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг ўрни бекиёсдир. Зеро, инсоният мавжудлигининг асосий шартларидан бири бола тарбияси ҳисобланганлиги боис у дунёга келмасиданоқ тарбиявий тадбирлар бошлаб юборилади. Бу борада эса, ота-оналарнинг ўз болаларига бўлгган муносабатлари икки асосий хусусият, яъни ота-оналил мухаббати ва ижтимоий бурч нуқтаи назаридан белгиланади. Инсон қадри улуғ бўлган инсонпарвар жамиятда эса бу икки тушунчалар асло бир-бирга зид келмайди.

Агарда оилада муҳит соғлом бўлса, жамият соғлом бўлади, жамият соғлом бўлса, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳам ўз ўзидан камайиб бораверади. Шу сабабли ҳам, оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждоларимизнинг оила борасидаги қадриятларини тарғиб қилиш мақсадида юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг маънавий оламига ээтибор қаратилиб келажақда етук мутахассис бўлиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши кабилар юзасидан жамият

ҳаётида ўсмир ёшларга оид ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Профессор О.Мусурмонова таъкидлаганлари дик: “Оиланинг асоси эр-хотин ёхуд ота-онадир. Модомики, эр-хотин оиалнинг тамал тошларини мустахкам бунёд этишга маъсул эканлар, улар унда учрайдиган турмуш қийинчиликлари, ҳаёт қувончлари-ю ташвишларини бошдан кечиришда оилани идора этишда фарзанд тарбиясига маъсулдирлар.”⁴

Жамиятда жиноятчи шахсларнинг шаклалнишида улар тарбияланган мұхит жуда катта рол ўйнашини криминологияда социал ёндашув тарафдорлари бир неча маротаба исботлашган. Шу боисдан ҳам, профилактикани энг аввло оилалардан бошлаш лозим. Бола тарбиясида ҳам худди шундай, агарда оилада болаларга зүғим қилинса ва бу ота-она томонидан тан олинмасдан давом эттириладиган бўлса, бундан ўсмирларнинг салбий характеристери ривожланиб девиант хулқ-атворга айланиб боради ва бунга айрим ҳолатларда ота-оналар сабабчи бўладилар.

Зўравонликтан жабрланган ўсмирлар хулқ-атвори ва руҳий ҳолатининг таҳлили натижасида уларнинг қуийидаги хусусиятларига эга эканликлари ойдинлашади:

Жабрланувчи ўсмирларда одомовилик, яккалик, камгаплик, эмоционал ёпиқлик, ўй-хаёлларга берилиш, баъзан қўрқоқлик ва саволларга жавоб бермаслик. Асабларнинг таранглашуви, фақат ўзини ўйлаш, эгоцентризимнинг юқори кўриниши кабилар шаклланиб қолади.

Жарланувчи ўсмирларда ўзига паст баҳо бериш, шаъни ва қадр-қиммати камситилганлиги юзасидан чуқур изтиробга берилиш, унинг сабаларини ўзидан қидиришга уришиш кабилар хосдир⁵.

Оилада ўсмирларга нисбатан зўравонлиknинг олдини олиш профилактикаси самарадорлигини оширишнинг қуийидаги йўлларни келтириш мумкин:

- Итимоий жихатдан ёрдамга муҳтож ва нотинч оилалардаги ўсмирларга нисбатан бўлаётган зўравонликларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан профилактик ишларни йўлга қўйиш.

- Оилада жабрланувчи ўсмирларнинг тутган ўринини ҳамда ҳада жабр кўришининг сабаларини аниқлаш ва уларга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш.

- Жабрланган ва ғуқуқбузарлик содир этган. Содир этишга мойиллиги бўлган ўсмирларнинг индивидуал ва ижтимоийпсихологик хусусиятларини эътиборга олshan ҳолда профилактика тадбирларини кучайтириш.

- Нотинч оилаларда яшашётган ўсмирларга қўпроқ тушунтириш ишларини олибоориш ва уларнинг бўш вақтларини мазумунли ўтказишлар учун шароиталар яратишга кўмаклашиш.

⁴ О.Мусурмонова. Оила маънавияти-миллый ғурур-Тошкент “Ўқитуқчи”, 2000-60-бет

⁵ Х.Д.Норқулов Оила ва хотин-қизлар илмий тадқиқот институти педагогика фаанлари номзоди, доцент.

-Оилада ўсмирларга нисбатан зўравонли кбилан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир дастурлар ишлаб чиқариш ва амалга оширишда иштирок этиш.

-Зўравонлик ҳолатларини содир этган ўсмирлар ва уларнинг ота-оналарини профилактик ҳисобини юритиш ҳамда бундай маълумотларнинг тахлилини амалга ошириш.

-Оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланмаётган ва улар билан шавқатсиз муносабатда бўлаётган ота-ооналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судга ва прократура органларига тақдимномалар киритиш⁶.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосини ҳам айнан оиласардан бошлангани ўз самарасини кўрсата бошлади. Шу сабали ҳам, маҳаллабай, оиласбай, фуқаробай ишлаш тизимлари йўлга қўйилди. Бу билан ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммолари ўрганила бошлади. Профилактика инспектори маъмурий ҳудуддаги ҳар бир оиласи ўрганиб чиқиши ва нотинч бўлган оиласарни аниқлаб, улар билан профилактик ишларни олиб бориши ва уларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиши шунингдек, фуқарларнинг ўзини-ўзи бошқариш оршаганлари билан ҳамкорликкда уларнинг майший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим⁷. Мазкур вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда эса, ҳуқуқбузарликларнинг солир этилишига олиб келаган сабаб ва шарт-шароитларнинг тахлилини ҳам юритади.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторлари оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликаларнинг олдини олиш бўйича умумий профилактикаси доирасида қўйидагилани амалга ошириши қеарк:

- *Маъмурий ҳудуддаги ҳар бир хонадон ҳақида барча маълумотарга эга бўлиш*

- *Профилактик сухбат* (оилада оила аъзолари ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб уларга уларга ҳуқуқий ва психологик таъсир этиш, оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаб уларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш.)

- *Ҳуқуқий тарғибот*

- *Оиласий қадриятларни мустахкамлаш комиссиясининг фаолиятини самарали ташкил этиши.*

Амалиёт тахлиларининг кўрсатишича фуқаролар асосан профилактика инспекторларига оиласадаги низолани ҳал қилиш учун қўйидаги мазмундаги ариза блан мурожаат этадилар:

1. Эрининг спиртли ичимликларга ружу қўйғанлиги

⁶ Х.Д.Норқулов Оила ва хотин-қизлар илмий тадқиқот институти педагогика фаанлари номзоди, доцент. Янги Ўзбекистон оиласадаги зўравонликка қарши: Ҳолат, муаммо ва ечимлар. Тошкент 2022.

⁷ Ўзбекистон Ресспубликаси Президентининг Ички ишлар органларининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-таадбирлари тўғрисиад”ги ПҚ-2896-қарори.

2. Эрининг ва оила аъзоларинг калтаклаши.
3. Мерос талаш масаласида.
4. Қайнона-келин ўртасиддаги ниолар юзасидан.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, профилактика инспекторлари мана шу каби оиласадаги низоларни қонуний ҳал этиш билан бир қаторда биринчидан, оиласавий низоларни тинч йўл билан хал этишга; иккинчидан, оила-турмуш ддоирасида содир этилиши мукин бўлган ҳууқубуарлиук ва жиноятларнинг олдини олишга; учунчидан, низолар натижасида оиласавий мухитнинг ва қариндошларнинг муносабатлари бузулишиниг олдини олган бўлади⁸.

⁸ А.Муродов Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жазони ижро этишш фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.